

Олимжонова Ш.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси доценти вазифасини бажарувчи, иқтисод фанлари номзоди

ХИТОЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИ МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ОЛИМЖОНОВА Ш. ХИТОЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИ МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ва уни мутаносиб ривожлантиришнинг Хитой тажрибаси ўрганилган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича Хитой тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Таянч иборалар: режали хўжалик, аграр сиёсат, аграр ислоҳот.

ОЛИМЖОНОВА Ш. РЕФОРМЫ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА КИТАЯ И НАПРАВЛЕНИЯ ЕЕ ПРОПОРЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

В статье изучен китайский опыт реформирования сельского хозяйства и его пропорционального развития. В настоящее время использование опыта Китая по развитию кооперационных связей между предприятиями сельского хозяйства имеет важное значение.

Ключевые слова: плановое хозяйство, аграрная политика, аграрные реформы.

OLIMJONOVA SH. REFORM AGRICULTURE OF CHINA AND THE DIRECTION OF ITS PROPORTIONAL DEVELOPMENT

There is studied in the article the Chinese experience in reforming of agriculture and its balanced development. Currently, implementing of the Chinas experience for the development of cooperation between enterprises of agriculture is provides significant importance.

Keywords: planned economy, agricultural policy, agrarian reform.

Бугунги кунда Хитой қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш усуллари ҳақидаги масала фаол муҳокама қилинмоқда. Мамлакатнинг ҳозирги пайтдаги ҳолати кўп жиҳатдан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминламоқда. Чунки озиқ-овқат охирги йилларда муҳим стратегик товарлар қаторига фаол силжиди. Аграр сиёсат муаммоларининг халқаро даражада муҳокама қилиниши шу жиҳатдан турли давлат таълимотларининг ўзаро қарши курашлари, охир-оқибатда эса аграр ривожланишнинг турли стратегияларини қўллаб-қувватловчи давлатлар қатъий иқтисодий курашишидан далолат беради.

Хитой аграр ислоҳотларнинг алоҳида йўлини танлаган. Бу ерда ижтимоий тизимни ўзгартириш эмас, балки унинг камчиликларини тугатиш вазифаси қўйилади. Хитойда ер масаласини ҳал қилиш алоҳида ўрин тутди. Пудрат шароитидаги ер участкалари деҳқон хонадонларига берилган. Қишлоқ хўжалигидаги оилавий пудратнинг афзаллиги унинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришда деҳқон хонадонларининг моддий манфаатдорлигини рағбатлантиришга лаёқатидир. Оилавий пудрат тизими вужудга келиш ва такомиллашиш давридан ўтиб, қишлоқда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг асосий шакли бўлиб қолди. Бу бир томондан, жамоавий иқтисодиётни мустаҳкамлади ва кучайтирди, бошқа томондан эса хусусий-якка соҳа, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келди¹.

Хитой Агросаноат мажмуаси (АСМ)да турли мулк шакллари бирлаштирилган ва ижтимоий мулкчилик етакчи ҳолатини сақлайдиган табақалаштирилган тизимга ўтиши юз берди. Мамлакатда жамоа мулкчилигини рўёбга чиқаришнинг турли шакллари тизими шаклланди, унинг негизида катта қизиқиш ва кўп сонли мунозараларни

келтириб чиқараётган турли-туман иқтисодий жараёнлар ривожлана бошлади.

Иқтисодий тартибга солишнинг янги механизми иқтисодиёт субъектлари иқтисодий хулқ-атвори анъанавий шакллари ўзгартирди, унинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч бўлиб қолди. Бозор текширув ва назоратнинг энг қатъий ва ҳаддан ташқари самарали воситаси бўлиб қолди. Бунда ижтимоий режали бозор тўлиқ очиқ, тўсиқларсиз ва уйғун амал қиладиган, мамлакат иқтисодиётини янада юксалтириш мақсадида давлат томонидан тартибга солиш тадбирларини самарали қўллаш имкониятини берадиган тизим ҳисобланади.

Бироқ ислоҳотлар бошланган пайдан бошлаб деярли 40 йил ўтганлигига қарамасдан, бутун мамлакат иқтисодиётида ва хусусан, қишлоқ хўжалигида яна кўп-кўп муаммолар, шу жумладан, янги ўтказилаётган ислоҳотлар билан келиб чиққан муаммолар ҳал қилинмай қолмоқда. Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи бошланди ва оралиқ натижаларни жамлаш, «тор жойлар»нинг таҳлилини олиб бориш ва олдинга янада муваффақиятли силжиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

Ислоҳотлар жараёнида тартибсизликларга чек қўйиш, ислоҳотлар барча тадбирларининг мувофиқлашганлиги ва мажмуавийлигини ҳамда уни амалга оширишнинг режалаштирилганлиги, тартибланганлиги, босқичма-босқичлигини таъминлаш тақозо этилади.

¹ Мао Гэсунг. Система семейного подряда – основа эффективной формы реформирования аграрного сектора в КНР. // «Международный сельскохозяйственный журнал», 2002, № 2. -С. 39-42.

Аграр соҳада иқтисодиёт турларининг таққослама таҳлилини бешта асосий белгисидан фойдаланган ҳолда келтириш мумкин. Булар: мол-мулк муносабатлари, қарорлар қабул қилиш, тартибга солиш механизми, манфаатлар ва ҳаракатлантирувчи кучлар, ташкилий таркибдир¹.

Биринчи тури ҳарбий коммунизмни натурал таъминлаш тизими бўлиб, бунда товар-пул муносабатлари ва бозор механизми тўлиқ бартараф қилинди.

Иккинчи тури анъанавий марказлашган режалаштириш бўлиб, бунда индивид ва давлат ўртасида ҳали товар-пул муносабатлари амал қилмайди, бунда бозорнинг роли арзимас бўлади.

Учинчи тури такомиллашган, марказдан режалаштириладиган иқтисодиёт бўлиб, бу ерда асосан, анъанавий марказлашган режалаштиришнинг асосий белгилари сақланиб қолган. Бироқ микродаражада қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи қисман корхоналарга ўтказилди. Жамоавий мулкчиликка нисбатан сиёсатда турли даражадаги кучсизланиш бўлган, ягона шахсий хўжаликнинг амал қилишига йўл қўйилган, бозор тартибга солишининг қўлланиш соҳаси бир мунча кенгайтирилган.

Тўртинчи тури режали хўжалик бўлиб, унда режали тартибга солиш бозор механизмига қўшилади. Унинг хусусиятлари шундаки, макроиқтисодий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи марказлашган, давлат халқ хўжалигининг бутун иқтисодий фаолиятига тегишли стратегик қарорларнинг қабул қилинишини ўз қўлида мужассамлаштиради. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг жорий хўжалик фаолиятига тегишли қарорлар корхоналар томонидан, асосан, мустақил равишда қабул қилинади.

Бешинчи тури бозор-социалистик иқтисодиёти деб аталади. Бу ерда ижтимоий мулкчилик жамоавий хўжаликни амалга оширадиган мустақил ўзини-ўзи

бошқарувчи субъектлар мажмуини ўзида мужассамлаштиради, ягона хўжаликнинг кенг ривожланиши ва хусусий хўжаликнинг чекланган амал қилишига йўл қўйилади. Бу турнинг хусусиятлари шундан иборатки, уч даражада, макро-, микро- ва уй ёки яққа хўжалик даражасидаги иқтисодий фаолият тўғрисида қарорларнинг қабул қилиниши ва бажарилиши бозор воситаси орқали юз беради. Иқтисодиётнинг бу тури маълум ижтимоий-тарихий шароитларда юзага келади. Чунки бу ерда иқтисодиётнинг амал қилиши бозор хўжалиги хоссалари билан тавсифланади, у бозор хўжалиги учун муқаррар нуқсонлар билан ажралиб туради. Мазкур тур шароитида микроиқтисодиёт соҳасида эришиладиган айрим муваффақиятлар макроиқтисодиётдаги салбий натижалар билан қадрсизланади.

Социализм социалистик бозор иқтисодиёти моделини қайта изоҳлаш жараёнида Хитойда «социалистик товар хўжалиги концепцияси» ва «социализм бошланғич босқичи концепцияси» вужудга келиб, улар Хитойнинг иқтисодиёт назарий тизими ҳисобланади. Социалистик иқтисодиёт товар иқтисодиёти ҳисобланади ва бу Хитойдаги иқтисодий ислоҳот – бозорнинг йўналтирувчи роли социалистик йўл бўйича ривожланишини англатади².

Мамлакатдаги ислоҳотларнинг мулкчилик таркибига, қарорлар қабул қилиш, тартибга солиш, манфаатлар ва ҳаракатлантирувчи кучлар, ташкилий таркибга татбиқан мақсадли модели қўйидаги белгилари билан тавсифланади. Мулкчилик таркиби мулкчилик турли шакллари бирлаштиради, яъни кўп қаватли таркибни мужассамлаштириб, унинг асосини социалистик давлат ва жамоа сектори ташкил қилиши керак. Ягона-шахсий ва кичик давлат-капиталистик секторлари қўшимча бўлиб хизмат қилади.

¹ Мао Гэсунг. Особенности реформирования аграрного сектора КНР. // «Международный сельскохозяйственный журнал», 2002, № 1. -С. 29-31.

² Ўша жойда.

Иқтисодиёт соҳасида қарорлар қабул қилиш механизми давлат даражасида, корхоналар ва алоҳида ишловчилар даражасида қарорлар қабул қилиш механизмнинг кўп поғонали таркибини ҳосил қилади. Шу орқали халқ хўжалиги уйғун ва тўғри йўналишда ривожлантирилган.

Иқтисодиётни тартибга солиш механизми режали тартибга солиш асосий роль ўйнаши шароитида режа ва бозорнинг ўзаро қўшилиб кетадиган таркибини ўз ичига олади. Манфаатлар таркиби давлат, жамоа ва шахсий манфаатларни бирлаштиради. Иқтисодиётни бошқариш ва ташкил қилишнинг ташкилий таркиби ўз иқтисодий фаолиятини унинг ички алоқаларига мувофиқ ташкил қиладиган йирик, умлаштирилган ишлаб чиқариш объектив эҳтиёжларига жавоб бериши керак. Мазкур турдаги иқтисодиётда асосий нисбат ва мутаносибликларни бевосита ва билвосита режалаштириш ёрдамида давлат назорат қилиши мумкин.

ХХРда социалистик товар хўжалиги, энг аввало, ижтимоий мулкчиликка асосланади. Бунда ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик социалистик иқтисодий тузумнинг моҳиятли белгисини ташкил қилади. Социалистик ижтимоий мулкчиликнинг аниқ шакллари ва хўжалик юритиш усуллари жуда турли-туман ва турли мулкчилик таркибларини, шу жумладан, ягона шахсий хўжалик юритиш, биргаликдаги фаолиятнинг барча турларини ҳамда хусусий тадбиркорликнинг айрим унсурларини шакллантириши мумкин. Бозор-рақобат-самарадорлик тескари алоқаси ёрдамида иқтисодиётни тартибга солишнинг янги механизми иқтисодий хулқ-атворнинг анъанавий шаклларини ўзгартиради, иқтисодиёт ривожланишини жадаллаштиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолади.

Бозор маъмурий аралашув исталган шаклига қараганда, текширув ва назорат самарали воситаси бўлиб қолади. Бун-

да социалистик режали бозор тўлиқ очиқ, тўсиқларсиз ва уйғун амал қиладиган тизим ҳисобланади.

Ислоҳот асосан, директив режалаштиришнинг асосийси сифатида йўналтирувчи режалаштиришга кейинги ўтишлар билан аста-секин торайтириб бориши зарур. Ислоҳотлар бориши билан «бозор» ҳажми кенгаяди. Нафақат истеъмол неъматлари, балки ишлаб чиқариш воситалари ҳам бозорга чиқарилиши керак бўлган товарлар ҳисобланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш омиллари, пул, ахборот, меҳнат ва ҳ.к.лар бозорлари ҳам амал қилади. Шундай қилиб, аста-секин янги тушунча – «социалистик бозор тизими» шаклланади. Социалистик товар хўжалиги шароитида бевосита давлат томонидан назорат қилиниши керак бўлган кам сонли монополлаштирилган товарлар ва меҳнатга бўлган нархларни истисно этганда, бошқа товарлар ва меҳнат нархлари бозор талаби ва таклифни ҳисобга олиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида ўрнатилади. Шу сабабли нарх белгилаш жараёни, асосан, давлат томонидан макротартибга солиш ва макро-назорат шароитида бозорда автоматик равишда амалга ошириладиган жараён бўлиб қолиши керак. Режанинг бозор билан таркибий боғлиқлиги макро- ва микродаражада «давлат бозорни тартибга солади, бозор корхонани йўналтиради» формуласида келтирилган. Шу тариқа корхона хулқ-атвори, бозор механизми ва давлат бошқаруви – асоси бозор механизми бўлган тизимнинг ушбу уч асосий бўғинлари таркибий жиҳатдан ўзаро боғланади.

Социалистик бозор иқтисодиёти тизими яратишда макроиқтисодий бошқарувни яхшилаш ва кучайтиришга катта аҳамият қаратилади. Иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли режа ва прогнозларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш, комплекс балансларни амалга ошириш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, муҳим объектлар қурилишини таъминлаш, иқтисодиёт тарки-

бини мақбуллаштиришни рағбатлантириш макротартибга солиш ва макроназоратнинг муҳим воситаларидан бири сифатида давлат режалаштиришининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

1978 йилдан кейин 9-беш йиллик (1996-2000 йй.) анъанавий-экстенсив, ресурс-меҳнат сарфига эга бўлган ўсишдан интенсив, фан-техника ва капитал сифимли ўсишга ўтган иқтисодиёт ривожланишида бурилиш пайти бўлди. Бу даврда инфляция чекланишга учради, қулай инвестиция муҳити яратилди ва молиявий сиёсатни фаоллаштириш бўйича чоралар кўрилди. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиши 8,3%га етди, қишлоқ хўжалигининг улуши эса 1999 йилда ЯИМ умумий улушининг 17,7%ини ташкил этди. Йиллик ғалла йиғими 500 миллион т. га яқинлашди. Зарурий ечимини кутаётган муаммолар 10-беш йилликни режалаштириш стратегияси ва доираларини белгилади. Очқилик сиёсатини кенгайтириш, савдо ва илмий-техника алоқаларини ривожлантириш иқтисодий ўсиш ва фан-техника тараққиётининг кучли рағбатлантирувчиси бўлиб қолмоқда. Режавий, молиявий, кредит-пул усулларини ҳамда нарх белгилаш, солиқ-бюджет тизими, валюта курси ва бошқа иқтисодий дастаклардан фойдаланишни ўз ичига оладиган макротартибга солиш ва назорат асосий бошқарув усули бўлиб қолмоқда¹.

Шу тариқа ХХР ўзи ташкил этилгандан кейин 50 йил давомида қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш, халқ турмушини яхшилаш, ўзига хос бўлган социалистик қишлоқни ривожлантириш йўлларини излаш ишида катта муваффақиятларга эришди. Унинг учун қуйидагилар хос эмас: марказлаштириш ва оилавий пудрат устуворлигига эга бўлган номарказлаштиришни биргаликда қўшадиган, қабул қилинган ижтимоий мулкчилик ва хўжалик юритишга эга бўлган турли мулкчилик шаклларини

биргаликда ривожлантиришнинг асосий иқтисодий тизими; меҳнат тақсимоти устуворлигига эга бўлган турли ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирадиган тақсимот тизими; иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллардан фойдаланишни қўшиб олиб борадиган бозор механизмлари ва макротартибга солиш тизими устуворлигига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари обороти тизими.

Хитойда дунё аҳолисининг амалда чорак қисми (1 млрд. 277 миллион киши) яшайди. Уларнинг кўпчилигини ер билан жуда кам таъминланган (ҳайдаладиган ерлар майдони 100 миллион га, яйлов ва ўтлоқлар 319,3 миллион га бўлган шароитда бир ҳовлига 0,4 га тўғри келади) деҳқонлар (1999 йилда 76%ни) ташкил этади².

Қишлоқ хўжалигидаги социалистик деб аталмиш ислохотлар Хитойда ХХ асрнинг 50-йилларидан кейин амалга оширилди. 1960 йилда халқ коммуналари тузилгандан кейин «асос сифатида бригадалари уч бўғинли мулкчилик» киритилди. 5 миллиондан ортиқ ишлаб чиқариш бригадалари умумий сонидан фақат тахминан 10-20%и нисбатан яхши хўжалик юритишди. «Умумий қозон», деб аталган нуқсонли амалиёт деҳқонлар оммасига ҳалокатли таъсир кўрсатди³.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иқтисодий сиёсатга ўтиш 1978 йилдан бошланди. Асосий кучлар давлат ғалла харидлари доимий ҳажмини киритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига нархларни пасайтириш ёрдамида қишлоқ хўжалигининг юксалишини таъминлашга қаратилди. Ислохотлар жараёнида халқ коммуналари бекор қилинди, аммо ер ва ишлаб чиқариш асосий воситаларига жаммоа мулкчилиги сақланиб қолинди. Пудрат шароитидаги ерлар уларни қайта ишловчи деҳқон хонадонларига берилди. Бу ижара

¹ Мао Гэсунг. Особенности реформирования аграрного сектора КНР. // «Международный сельскохозяйственный журнал», 2002, № 1. -С. 29-31.

² <http://cu-4.narod.ru/index.files/Ekonomika/Chinaekref.htm>

³ <http://cu-4.narod.ru/index.files/Ekonomika/Chinaekref.htm>

орқали амалга оширилиб, унинг шароитлари ягона шахсий, тўла хўжалик эркинлигига эга бўлган жамоавий ижарачиларга тенг ҳуқуқлар ҳамда меҳнат натижаларига эгаллик ҳуқуқи орқали таъминланди.

1978 йилда Хитой ЯИМ умумий таркибидаги ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 24,8%ни ташкил этди, 1982-1983 йилларда эса 29,9% га қадар ўсди. Бу макроиқтисодий муҳитда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш учун етарли даражада қулай шароит яратилди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 1979-1981 йилларда 5,6%ни, шу жумладан, дон ишлаб чиқариш 2,1%, пахта 11%, гўшт 13,8% ва ёғ 25% ни ташкил этди.

Бу даврда халқ хўжалиги таркиби янада такомиллашди. 1984 йилнинг охирига келиб, деҳқон хонадонларининг 96,6%и тўлиқ пудратга ўтказилди. Бироқ 3-йиллик пудратнинг қисқа муддатлари ерлардан ваҳшийларча фойдаланишни рағбатлантирди ва қишлоқ хўжалигига йирик капитал қўйилмаларга олиб келмади.

Оилавий пудрат жавобгарлиги тизимининг ривожланиши ва Хитой қишлоқларида ихтисослашган хонадонларининг пайдо бўлиши билан шакллари ва даражалари бўйича турли-туман, янги турдаги хўжалик бирлашмалари узлуксиз яратилди. Улар орасида деҳқонларнинг ўзаро бирлашмалари, деҳқон бирлашмалари, жамоа хўжаликлари ва давлат корхоналари ҳам учрайди.

1984 йилда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Монопол харидлар ва тайёрловлардан воз кечиш, харид қилинадиган маҳсулотлар ҳажмининг бир вақтда пасайиши шароитида контракция тизимига ўтиш; деҳқончиликнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши ислохотлар иккинчи босқичининг асосий тадбирларидир. Бундан ташқари, далачилиқда пудрат шартномаларининг муддатлари 15-25 йилгача, боғдорчиликда ва ўрмончиликда эса 25-30 йилгача оши-

рилди. Бу мулкчилик таркибида туб ўзгаришларга олиб келди: агар XX асрнинг 70-йилларнинг охирида қишлоқдаги жамоа мулкчилигида тахминан 90% асосий ишлаб чиқариш фондлари турган бўлса, 1985 йилда 42,3%и қолди. Деҳқончилик хонадонлари 1985 йилда асосий ишлаб чиқариш фондларининг 55%ига эгаллик қилган бўлса, хўжалик бирлашмаларининг ҳиссасига 1,8%и, ягона шахсий корхоналарига бу фондларнинг деярли 0,4%и тўғри келди. Шундай қилиб, қишлоқ майда-деҳқон ердан фойдаланишига айлантирилди.

Томорқа хўжаликлари, овчилик савдода қатнашишни ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқариш фаолияти соҳаси ўсди. Айниқса, бу шаҳар атрофидаги сабзавотчилик минтақаларида қулайлик топди. Бу ерда қўл меҳнати қўлланиладиган кичик участкаларда интенсив хўжалик юритилди.

Бироқ Хитой деҳқончилигини оилавий пудратга ўтказиш билан боғлиқ равишда қишлоқ хўжалиги ишларининг механизациялашганлик даражасини қисқартириш оқибатида Хитой қишлоқ хўжалигини янада модернизациялаш концепциясини ишлаб чиқиш қийин бўлди. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши кетидан ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ҳам ривожланди. Алоҳида деҳқон хонадонлари машғуллик турларига кўра, ихтисослашган ёки фаолият бир қанча турларини бирлаштирадиган бўлиб қолдилар. Бу даврда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ғалла экинлари етиштиришга бир томонлама таянишдан воз кечиш ва 80-йилларнинг биринчи ярмида бошқа экинлар ва бошқа йўналишларнинг (техник экинлар, чорвачилик, томорқа хўжаликлари) ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидаги улушини кенгайтириш ҳамда жадал ўстириш билан боғланди. Бу деҳқонлар учун ғалла ишлаб чиқаришнинг нисбатан кам фойдалилиги билан рағбатлантирилди.

Кейинги даврда (1989-1995 йиллар) ҳайдаладиган ерларнинг тарқоқлиги ва пудрат

хонадонларининг кўпайиши билан боғлиқ равишда ҳайдаладиган ерларнинг ўртача ҳажми самарали хўжалик юритишни таъминлайдиган ҳажмларнинг 1/10 қисмидан камроғини ташкил қилди. Умумий ҳисобда деҳқонларнинг даромадлари қишлоқ хўжалиги меҳнати ҳисобига эмас, балки ноқишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятлари ҳисобига шакллана бошлади. Бу асосан, шаҳарча ва вилоят саноати корхоналаридаги меҳнатдир. Бунда деҳқон ўзининг пудрат майдонидан воз кечмайди, чунки озиқ-овқат олишнинг ягона кафолатланган манбаи, энг аввало, ғалладир. «Бир-бирининг ўрнини қоплаш» номини олган бундай ҳолат натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги тушиб кетади. Чунки деҳқон қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни унга керакли минимумдан юқори кенгайтиришдан манфаатдор эмас эди.

1988 йилда ердан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказиш имконияти қонунан мустаҳкамлаб қўйилган, бундан ташқари, ердан фойдаланиш ҳуқуқини сотиш, айирбошлаш, совға қилиш ёки ташлаш мумкин. Шундай қилиб, меҳнат тақсимотини жадаллаштириш, қишлоқ товар ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратилди.

Қишлоқда жорий этилган пировард маҳсулот бўйича мукофотли жавобгарлик оилавий пудрат тизими шароитида диққат марказига мулкчилик таҳлили киритилса, мулкчилик ҳуқуқи (жамоавий) ва хўжалик юритиш ҳуқуқи (хонадонли) тақсимлаш шакли ҳисобланади.

Тақсимлаш «жамоавий эгалик – майда гуруҳлар хўжалик юритиши», «жамоавий эгалик – якка хўжалик юритиш», «жамоа аъзоларининг пай орқали эгалиги – кам сонли шахслар пудратига асосланган хўжалик юритиш» ва ҳ.к. шаклларда амалга оширилди. Шу сабабли бугунги кунда қишлоқ иқтисодиётида ислохотларгача

бўлган давр шакли – «жамоавий мулкчилик – жамоавий хўжалик юритиш» билан яқунланди ва режали ва бозор тартибга солишининг таркибий бирлашиши вужудга келди.

Шу билан бир вақтда ер, йирик бўлмаган ирригация иншоотлари, айрим саноат корхоналарини алоҳида пудрат хонадонларидан фойдаланишда пудрат муносабатларига ўтказиш ишлари олиб борилди. Мазкур мулкни деҳқонлар эгалигига эмас, балки фойдаланувчига ўтказиш олиб борилди. Оқибатда ягона ва чанги чиққан хўжалик юритишни (ягона хўжалик юритиш бўғинини мужассамлаштирадиган бригада тасарруфидаги ер, қуроллар ва техниканинг бир қисми сингари одатда жамоат фондлари қолади, уларда пудрат хонадонлари маълум ажратмаларни амалга оширадилар, деҳқон хонадонлари бевосита пудратга олинган ер участкасида ишлаб чиқаришни юритади) бирлаштирадиган икки поғонали таркиб шаклланди.

Ортиқча ишчи кучи ва айрим моддий ресурсларга эга бўлган хонадонлар қўлидаги пудрат участкаларини мужассамлаштириш жараёни секин кечмоқда. Деҳқончилик хонадонларининг майда ярим натурал хўжалиги илгаригидек қишлоқда етакчи ҳолатни эгаллайди.

Ҳозирги вақтда ХХРда оилавий пудрат ва «кўламли хўжалик юритиш»ни бирлаштиришнинг қабул қилинган шакллари аниқлаш учун синовлар ўтказилмоқда, хўжалик юритиш ижара шакли ривожланмоқда.

1999 йилдан Хитойда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини таъминлашда давлат хўжаликлари катта роль ўйнаб, улар Хитой агросаноат мажмуасининг муҳим шакллари билан бири ҳисобланган. Уларнинг рентабеллигини ошириш мақсадида ХХР ҳукумати томонидан 70-йиллардан бошлаб мазкур хўжаликларни қайта ташкил қилиш бўйича қатор тадбирлар кўрилди. Хусусан, давлат хўжаликларига капитал қўйилмалар оши-

рилди, ижара, акционерлик кооперацияси, пудрат сингари янги хўжалик юритиш шакллари жорий қилинди.

Натижада давлат хўжаликлари мустақил хўжалик фаолияти асосида ва ишлаб чиқариш фаолиятида бозор механизмидан фойдаланган ҳолда ўз-ўзини қоплаш орқали амал қила бошлади. Хитой Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, 1999 йилнинг охирига келиб, мамлакатда 2157 та давлат хўжалиги мавжуд, уларда 3447 та савдо-саноат корхоналари ва 654 та илмий-техника ташкилоти бор. Бундан ташқари, давлат хўжаликларида 180 та корпорация, 730 та акционерлик кооперативи ва 557 та акционерлик жамияти тузилди. Уларда ташқи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, йиллик экспорти ҳажми 8 миллиард юандан ошиб кетадиган 40 дан ортиқ корхона амал қилмоқда. Охириги 20 йил ичида давлат хўжаликлари томонидан чет эл капитали иштирокида 1500 та корхона ташкил этилиб, улардаги инвестициялар умумий суммаси 3 миллиард доллардан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда давлат хўжаликларининг йиллик ишлаб чиқариши мамлакатда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, ғалла, пахта, қўй жуниси ва шакар умумий ҳажмининг 10%ини ташкил қилади. Уларнинг ҳиссасига табиий каучук ишлаб чиқаришининг 80%и ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 1/3 қисми тўғри келади¹.

Умуман, Хитой аграр соҳаси охириги йилларда Осиё мамлакатларидаги иқтисодий инқирозга қарамасдан кўтарилувчи чизиқ бўйлаб ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Хитой 1995 йилда АҚШнинг кетидан, Россияни 4,4 мартага ортда қолдириб (796 миллиард доллар) (мос равишда, 3500 ва 7247 миллиард доллар), дунёда иккинчи ўринга чиқди. Бироқ 1997 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари 8,8%гача пасайди. ЯИМ 7477 миллиард

юанга (900,8 миллиард доллар: жорий курс бўйича қайта ҳисоблаганда) етди. 1993-1997 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 11%ни ташкил қилди; ЯИМ эса деярли уч барабар кўпайди².

Аграр сектор иқтисодиётида таъминот-маиший кооперация, вилоят ва шаҳарча корхоналари, ер ва инвестициялар бозорига ҳамда ташқи иқтисодий фаолият ва Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) билан савдо муносабатларига катта ўрин берилмоқда.

Аграр муносабатлар мавжуд тизими доирасида қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш: қишлоқ хўжалиги харидларини молиялаштириш ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини техник қайта қурулантириш муаммосига катта эътибор қаратилмоқда. Умуман, замонавий Хитой иқтисодиётида кооператив соҳа муҳим роль ўйнайди. Жамоа мулкчилиги ичкарисида турли мулк шакллари янги бирлаштириш вужудга келди. Жамоа мулкчилигидаги вилоят ва қишлоқ корхоналари, алоҳида оилалар ёки бир қанча хонадонлар бирлашмалари томонидан яратилган янги турдаги якка хўжаликлар ва кооператив хўжаликлари шундай корхоналар ҳисобланади. Турли мулкчилик шаклларига ўзаро киришиш бошланди, умумхалқ жамоа ва якка хўжаликлари, миллий ва чет эл корхоналари ўртасидаги бирлашмалар шаклланди, бу қўшма корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Кооператив секторидида таъминот-маиший кооперация жуда сезиларли ўрин тутмоқда. Таъминот-маиший кооперация (ТМК) иқтисодиётга одатда давлат қўллаб-қувватлашида вужудга келган жамоа мулкчилигидаги иқтисодиёт киради. Бироқ у оддий жамоа мулкчилиги ҳисобланмайди, бу нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиганларнинг мулки бўлибгина қолмай, кенг қўламли, кўп

¹ <http://www.roman.by/r-17774.htm>

² <http://www.roman.by/r-17774.htm>

тармоқли, деҳқон кооперативлари аъзоларининг мулкидир.

ТМКларнинг ривожланиши қонунчиликка мувофиқ, жамоа мулкчилиги тавсифига кўра, ўтказилаётган хўжалик ислохотлари орқали амалга оширилмоқди. Биринчидан, кооператив аъзоларига кооперативга киришда тегишли пай киритишга рухсат этилди; иккинчидан, кадрларни белгилаш тизими танлов тизимига ўзгартирилди. Ташқаридан мутахассисларни таклиф қилишдан фойдаланилди; бир умрлик ёллаш ўрнига меҳнат шартномалари тизими киритилди; учинчидан, хўжалик юриши ва хизмат кўрсатиш соҳаси мутлақо деҳқонларнинг эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланди; тўртинчидан, тақсимлаш тизимида мукофотлаш ва корхона самарадорлиги ўртасида бевосита алоқадорлик ўрнатилди; бешинчидан, маҳсулотлар нархлари талаб ва таклиф талабларига мувофиқ шакллантирилди.

ТМКлар деҳқонларни қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналар, кимёвий ўғитлар (60-70%), пестицидлар, заҳарли химикатлар ва б. билан таъминлайди ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сотилишини ташкил қилади. ТМКларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлашдаги улуши 70%га етди. Деҳқон хўжаликларининг техник хизмат кўрсатиши ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади.

Савдо корхоналаридаги иқтисодий ислохотлар жараёнида ТМКлар пудрат жавобгарлигининг турли шакллари қўллашга эга бўлди, директорларнинг жавобгарлиги тизимини жорий этиш синаб кўрилмоқда, директорнинг мақоми юридик шахс сифатида белгиланган.

ТМК ислохоти оддий хўжалик туридан савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ўзаро боғлайдиган мурракб хўжалик тизимига ўтишни кун тартибига қўйди. Шу билан боғлиқ равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлашга ихтисослашган «савдо саноати»

ривожланди. Охириги йилларда қишлоқда таъминот-маиший кооперация фаолиятига деҳқонларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва истеъмол заруриятларини қондириш ҳамда уларнинг йирик бозор билан алоқаларини кенгайтириш бўйича ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш ва такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Қишлоқ иқтисодиётидаги узилиш ва кўпгина қишлоқ муаммоларининг ечилишига вилоят ва шаҳарча саноат корхоналарини тузиш ва жадал ўстириш орқали эришилди. Шаҳарча-вилоят корхоналари қишлоқ иқтисодиётининг таянч тармоғига айлантирилди, улар қишлоқ ҳунармандчилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва асосий ҳунармандчилик маҳсулотини қайта ишлаш асосида ривожланади. Мамлакат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фаолиятини саноатлаштириш жуда тез юз берди.

Вилоят ва шаҳарча корхоналари қишлоқдаги ортиқча ишчи кучини қоплаш ва деҳқонларни керакли саноат товарлари ва ҳар хил турдаги хизматлар билан таъминлаш ғоясини ўз зиммасига олди. Жамоа корхоналари ислохотларнинг чуқурлашиб бориши билан кооператив-акционерлик корхоналарига айлана бошлади. Мазкур соҳанинг ривожланишини мамлакат халқ хўжалигидаги ролининг ўсиши кўламлари борасидаги қуйидаги кўрсаткичлар орқали тасавур қилиш мумкин. Агар 1984 йил охирига бу корхоналарнинг умумий сони 52 миллион киши банд бўлган бўлган 6,06 миллион корхонани ташкил қилган бўлса (қишлоқ ишчи кучининг 14%), 1985 йил охирига 64 миллион киши банд бўлган 10,94 миллион корхонани (қишлоқ ишчи кучининг 18%) ташкил этди. 1990-йилларда уларнинг ҳиссасига давлат молиявий даромадларининг, экспортдан валюта тушумлари, деҳқонлар даромадлари, ЯИМнинг тахминан 30%и тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги қуролилари, кимёвий ўғитлар, қурилиш материаллари, энергия манбалари, қайта ишловчи саноат учун эҳтиёт

қисмларни ишлаб чиқариш бу корхоналар фаолиятининг асосий соҳаси ҳисобланади. 1987 йилда вилоят-шаҳарча корхоналарининг ялпи маҳсулоти биринчи марта қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидан ошиб кетди. 1990 йилда вилоят-шаҳарча корхоналари экспорт товарлар эвазига валюта тушумлари ҳажми 1,3 миллион АҚШ долларга етди, бу бутун мамлакатдаги умумий сумманинг 23,8%ини ташкил этди. 1998 йилда шаҳарча-вилоят корхоналарининг қўшилган қиймати 2,4 миллиард юанни ташкил қилди. Бугунги кунда мамлакатда 20 миллиондан ортиқ шаҳарча-вилоят корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 130 миллион киши банд. Улар маҳсулотларининг рўйхатига қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналари, маиший буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва томорқа ҳунармандлари маҳсулотлари, енгил саноат буюмлари кирди. Улардан кўплари халқаро бозорга чиққан ва экспорт товарларининг етакчи ишлаб чиқарувчиларига айланган. Шундай қилиб, ислохотлар жараёнида қишлоқ ялпи маҳсулотининг 60%ини берадиган қишлоқ корхоналарининг жадал ривожланиши юз берди¹.

ХХРда ер ресурслари умумий неъматлигича қолмоқда, ҳозирги вақтда яшайётган аҳоли унинг уюшган мулкдори ҳисобланади. Ерга бозор муносабатлари киритилган, аммо тасарруф этиш ҳуқуқи эмас, балки фойдаланиш ҳуқуқи олдинсиз объект ҳисобланади. Агар пудрат тизимини жорий қилишда ер бепул фойдаланишга берилса, ижара хўжалик юртиши шароитида ерни ўтказиш пуллик тавсифга эга (30-40 йилга ижара) бўлади. Шундай қилиб, ХХРда ерга жамоа мулкчилиги сақланиб қолган шароитда хусусий мулкчиликсиз ер бозорини ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Давлат бу жа-

раёнлар устидан қатъий назоратни амалга ошириши зарур, чунки социализмнинг бошланғич босқичида ернинг воситачилар ва чайқовчилар қўлига тушиб қолишини истисно қилиш орқали шундай ер бозори маълум чегаралари амал қилиши лозим.

Хўжалик фаолияти натижаларидан юқори шахсий манфаатдорлик билан биргаликда, деҳқонлар инвестиция имкониятларини кенгайтириш ХХ аср 80-йилларининг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва мамлакат ички бозорини қоплашда сезиларли муваффақиятларга эришишга кўмаклашди. Давлат инвестиция ресурслари тежалган шароитда қишлоқ хўжалигининг сезиларли ўсишига эришилди. Қишлоқ хўжалигидаги капитал қурилишга давлат қўйилмаларининг ўртача йиллик кўламлари 1981-1985 йилларда 4,9 миллиард юан ўрнига 3,5 миллиард юанни ташкил қилди. Уларнинг давлат инвестициялари умумий суммасидаги салмоғи мос равишда, 10,5% дан 5,1% гача пасайди².

Кейинчалик Хитой қишлоғи ички салохиятидан фойдаланишдан олинган самарани кўпайтиришга интилган ҳолда давлат қатор йиллар давомида, хусусан, 1998 йилда давлат капитал қўйилмалари таркибида қишлоқ хўжалигининг улушини 3%гача етказган ҳолда пасайтиришда давом этди.

80-йиллар охирида капитал қўйилмалар (ҳам давлат, ҳам нодавлат)нинг нисбати, ХХР бутун халқ хўжалиги бўйича 30,8% бўлса, қишлоқ хўжалигига атиги 7,5%ни ташкил қилди. Тармоқни етарли инвестицияламаслик оқибатлари янги иқтисодий шароитларда амалда хўжасиз бўлиб қолган ирригация тизимларининг ҳолатига оғриқли таъсир кўрсатди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базаси кучсизлигича қолмоқда ва уларнинг табиий шароитга юқори боғлиқлиги сақланиб қолмоқда. Қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг пасайиши бунинг натижаси ҳисобланди. 1985 йилда

¹ Мао Гэсунг. Система семейного подряда – основа эффективной формы реформирования аграрного сектора в КНР. // «Международный сельскохозяйственный журнал». 2002, № 2. –С. 41.

² Уша жойда.

ялпи маҳсулот умумий ҳажмида қишлоқ хўжалигининг улуши 28,2%ни ташкил қилди, 1992 йилда у 20,3%гача, 1999 йилда эса 17,3%гача тушиб кетди.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш учун 1988 йилдан вилоят-шаҳарча корхоналари тўловлари, қишлоқ хўжалиги ерларининг бегоналаштирилганлиги учун солиқ, қишлоқ хўжалиги солиғи, хорижий инвестицияларнинг бир қисми ва ҳ.к.лар ҳисобига тўлдириладиган ривожланиш ихтисослаштирилган фонди амал қилмоқда. Йиллик фонд ҳажми ўртача 3 миллиард юанни ташкил қилади. XX асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида қишлоқ хўжалигининг давлат инвестицияларидаги салмоғини шунчаки ошириш уйдасидан чиқилмади. Охириги ўн йилликларда ҳам давлат ва хусусий қишлоқ хўжалигига капитал қўйилмалар, ҳам деҳқонлар қўйилмалари пасайишининг аниқ тенденцияси кузатилмоқда. Хитой иқтисодчилари аграр соҳа ривожланишига барча давлат инвестицияларининг камида 10%и ажратилиши керак, деб ҳисоблайдилар.

Қишлоқ хўжалигида илғор агротехникалардан фойдаланиш соҳасидаги ишларни тартиблаш ва рағбатлантириш мақсадида 1993 йилдан бошлаб давлат шу мақсадларга капитал қўйилмаларни кўпайтириш мажбуриятини ўз зиммасига олди, ҳукумат бюджет барча бўғинларидаги агротехника ютуқларини жорий этишга алоҳида қаторда маблағлар ажратиши ва уларнинг йиллик кўпайишини таъминламоқда. 1995 йил қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларига 71 миллиард юан суммасида давлат заёмларини чиқариш ҳал қилинган.

1998 йилдан бошлаб фаол молиявий сиёсат қишлоқ хўжалигини жиддий ўзига тортиб, у давлат тижорат банклари томонидан қўшимча кредитлар олган устувор тармоқлар қаторида бўлди. Асосий фондларга қўйилмалар умумий ҳажмлари 1998 йилда 8,3 миллиард долларни ташкил қилган ҳолда 47,8%га ошди. Бунда қишлоқ хўжалигининг мамлакат капитал қўйилмалари умумий ҳажмидаги улуши

2,6 дан 3,2%га кўпайди. 1999 йилда қишлоқ хўжалигига капитал қўйилмалар ҳажми 3,2%ни ташкил қилди ва 1998 йилга нисбатан яна 44%га (3,6 миллиард долларга) ошди, бунда гидромелиорацияга қўйилмаларга устувор эътибор берилмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига маҳаллий инвестицияларни анча кўпайтириш, кредит операцияларини фаоллаштириш ҳам кўзда тутилмоқда. Хитой Халқ Банки қишлоқ кредит кооперативларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришга кредитлар кўринишида қўшимча маблағларни тақдим қилади.

Хитойда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг мустақил омили ва миллий иқтисодиётни, шу жумладан, аграр соҳани модернизация қилиш муҳим шартларидан бири сифатида хорижий капитал қўйилмаларни жалб қилиш ва фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ ҳалигача қишлоқ хўжалиги соҳаси хорижий инвестициялардан фойдаланиш даражаси бўйича бошқа тармоқлардан сезиларли ортда қолмоқда, Хитой томонидан фойдаланилган хорижий инвестицияларнинг фақат 1,5%и унинг ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги вақтда Хитой ҳукумати имтиёзлар тизимини ишлаб чиқмоқда ва хорижий инвестициялардан аграр соҳани рағбатлантириш учун фойдаланиш бўйича самарали чоралар кўрмоқда.

XXРнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига кириши Хитой томонига кенг хаттиҳаракат қилиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортига тўсиқларни олиб ташлаш учун кенг майдон беради. Халқаро савдо кенгайиб бориши билан ХХР қишлоқ хўжалиги корхоналари жаҳон бозорларига босқичма-босқич чиқа бошладилар. ЖСТга аъзолик расмий Пекинни қўллаб-қувватлаш шароитида ХХР қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида рақобатнинг кучайиши ва экспорт оқимларининг кўпайишига олиб келиши лозим.

Адабиётлар:

1. Мао Гэсунг. Особенности реформирования аграрного сектора КНР. // «Международный сельскохозяйственный журнал», 2002, № 1. –С. 29-31.
2. Мао Гэсунг. Система семейного подряда – основа эффективной формы реформирования аграрного сектора в КНР. // «Международный сельскохозяйственный журнал», 2002, № 2. –С. 39-42.
3. <http://cu-4.narod.ru/index.files/Ekonomika/Chinaekref.htm>
4. <http://www.roman.by/r-17774.htm>